

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ҲОЛАТИ (XX асрнинг биринчи ярми)

Садиков Абдулахад Абдувохитович

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7327212>

Аннотация: Мақолада уруш йилларида ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўзгаришлар, унинг ўқитилиши ва ўрганилиши ҳамда бу йилларда фан соҳасида эришилган ютуқлар тўғрисида илмий маълумотлар асосида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Собиқ совет даври, фан, маданий инқилоб, илмий-тадқиқот, ижтимоий-гуманитар, экспедиция, озодлик.

ПОЛОЖЕНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ И ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В УЗБЕКИСТАНЕ (первая половина 20 века)

Аннотация: Статья посвящена изменениям, произошедшим в социальных и гуманитарных науках за годы войны, их преподаванию и изучению, а также достижениям, достигнутым в эти годы в области науки на основе научных данных.

Ключевые слова: постсоветское время, наука, культурная революция, научное исследование, социально-гуманитарное, экспедиция, свобода.

SITUATION OF SOCIAL AND HUMANITARIAN SCIENCES IN UZBEKISTAN (first half of 20th century)

Annotation: The article is devoted to the changes that have taken place in the social and human sciences during the war years, their teaching and study, as well as the achievements made in these years in the field of science based on scientific data.

Key words: post-Soviet period, science, cultural revolution, scientific research, social and humanitarian, expedition, freedom.

КИРИШ

Собиқ совет даврида Ўзбекистонда фан соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан бири – XX аср 20-30 йилларидан бошлаб коммунистик-большевирик жамият куришда илм-фан тизимига партиявий тизимининг олиб кирилиши фан тизимининг бир томонлама ривожланишига олиб келди. XX аср 20 йилларида эълон қилинган саноатлаштириш, жамоалашитириш, “маданий инқилоб” дастурларини амалга оширишда илм-фан ютуқларидан бир томонлама большевирик мафкура асосида фойдаланилди. Натижада кишлок хўжалиги, ирригация, энергетика, халқ хўжалиги, оғир саноат, енгил саноат ва бошқа соҳаларда ижобий силжишларга эришилди. Аммо, бунда илғор олимлар, зиёлилар, илм-фан вакиллариининг таркиби қатор қатағонлар билан тозаланиб турилди. Ижтимоий-гуманитар фан соҳаси эса ўта сиёсийлашган, мафкуравий курул билан суғорилган, халқнинг хаётидан кескин узоклашган, фақатгина партия тарихидангина иборат шаклда ривожланди.

Шундай бўлсада, XX асрнинг 30 йилларида ижтимоий-гуманитар йўналишда бир қатор илмий йўналишлар, илмий-тадқиқот муассасалари фаолият олиб борди. Масалан, “Ўзбекистон маданий курилиш илмий-тадқиқот институти” (1931), “Ўзбек тил ва адабиёт илмий тадқиқот институти” (1934), “Инқилобий ҳаракатлар ва партия тарихи тадқиқот институти” (1934) ва бошқа муассасалар фаолият курутди[1].

Шу даврда ижтимоий-гуманитар фан соҳаси ривожини ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Совет ҳокимияти ўзининг мустаҳкам ҳокимиятини янада мустаҳкамлашда ижтимоий-гуманитар фан тармоғининг барча бўғинларига совет мафкурасини сингдириш,

совет ҳокимиятининг таянч кучларини бир ғоя ортидан бошқариш, халқнинг онгига коммунистик-большевистик мафкурани сингдиришда мазкур фан соҳаларидан фойдаланди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистонда 1940 йил ташкил этилган СССР ФА Ўзбекистон филиали таркибида ижтимоий-гуманитар фан соҳаси бўйича 10 дан ортиқ илмий-тадқиқот институтлари фаолият олиб борди[2]. Филиал раиси Қори Ниёзовнинг буйруғи билан 1940 йил февраль ойида геологлар, археологлар, иктисодчиларнинг бир гуруҳи билан шимолий ва жанубий Фарғона каналлари, Тошкент канали ҳамда Сирдарё дарёсига экспедиция уюштирилди.

Экспедиция натижасида мазкур ҳудудлар ҳақида бой геологик ва археологик маълумотлар тўпланди. Сирдарёнинг гидрогеологик хариталари тузиб чиқилди. Фарғона водийсида археологик кузатувлар натижасида 100 дан ортиқ археологик ёдгорликлар топилди[3]. Темир давридан то Қўқон хонлиги давригача бўлган даврга оид археологик ёдгорликлар топиб ўрганилди. Араблар босқинидан сўнгги даврга оид Фарғона водийси ёдгорликлари ўрганилди, уларда бронзадан ясалган буюмлар: ҳарбий қуроллар, заргарлик буюмлари топилди.

Тошкент канали қурилиши жараёнида археологлар томонидан ҳудудда тош даврига оид кўплаб топилмалар: бронза ва темир даврига оид муҳим архефактлар топилди. Топилмалар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳудуд “Бурғулук” маданиятининг бир қисми бўлиб, милодий I асрда Жанубий Сибир ва Шарқий Европа билан кенг маданий алоқлар ўрнатилганлиги аниқланди.

Уруш йилларида ижтимоий-гуманитар фан йўналишида тадқиқотларнинг кенг асосда олиб борилишида 1940 йил ташкил этилган Тил, адабиёт ва тарих институти муҳим рол ўйнайди. Мазкур илмий тадқиқот муассасасида ўз даврининг машҳур фан, маданият ва адабиёт соҳаси вакиллари йиғилган эди. Институт ўз олдида ҳудудда тил, адабиёт ва ўзбек халқи тарихи каби долзарб масалаларни қўйди.

Филолог олимлар томонидан қисқа вақт ичида русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар тўплами шакллантирилди. 1942 йил нашр этилган мазкур тўплам олимлар томонидан юқори баҳоланди.

Институт олимлари урушнинг дастлабки йилида жаҳонга машҳур адиб, туркий тилни юксак мавқега олиб чиққан ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллигини муносиб нишонлаш, унинг асарларини ўрганиш, чоп эттириш, халқимиз маънавий қадрияти ҳисобланган “Хамса” ни ўрганиш ва халқимизга етказишда катта ишлар қилинди. 1941 йил бошларида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган 2 томлик монография чоп этилди, бундан ташқари Навоий асарлари текстологик луғати тузиб чиқилди. Олимлар томонидан 1942-1943 йилларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Турди, Муқимийларнинг классик асарлари тайёрланди ва олий ўқув юртларида ўқитила бошланди.

Адабиётшунос ва тилшунослардан Ҳоди Зариф, Ғ.К.Каримов, Ҳ.Р.Ёқубов, А.К.Боровков ва бошқалар ўзбек адабиёт тарихи ва ҳозирги замон ўзбек тили граматиқаси соҳасида қатор тадқиқотларни амалга оширдилар, ўзбекча-русча, русча-ўзбекча луғатлар, Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатини тузиш ва ҳоказолар устида иш олиб бордилар. Ўзбек фолкларини тўплаш, тартибга солиш ва нашр этишга эътибор кучайди.

“Ширин билан Шакар”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Далли”, “Муродхон”, “Маликаи айёр”, ва боша халқ достонлари нашрдан чиқарилди. Уларда инсонпарварлик, озодлик,

Ватанга муҳаббат ҳамда душманлар ва ёвузларга нисбатан ғазаб-нафрат туйғулари тараннум этилган эди. Адабиётшунослар ўзбек мумтоз адабиётининг бир қанча асарларини (Лутфий, Бедил, Гулханий ва бошқалар) нашрга тайёрладилар[4].

Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари – тарихчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар, файласуфлар коммунистик мафкура доирасида бўлса-да, ўз олдларига уруш даври қўйган вазифаларнинг масъулияти ва муҳимлигини тушунган ҳолда ижодий куч-ғайратларини фашизм мафкурасига қарши курашга, гитлерчиларнинг босқинчилик сиёсатини фош қилишга, халқимизнинг юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга қаратдилар.

Ўзбекистон тарихчилари рус тилида икки жилдлик “Ўзбекистон халқлари тарихи” фундаментал асарни яратишга киришдилар. Бу асарни ёзишда олимлардан Я.Ғ.Ғуломов, Т.Н.Қори-Ниёзий, С.П.Толстов, М.Э.Воронец, Э.Ш.Ражабов, А.Ю.Якубовский, В.И.Зоҳидов, В.А.Шишкин, К.Б.Тревер ва бошқалар қатнашдилар. Кейинчалик илк марта ўзбек ва рус тилларида икки жилдлик (3 та китобдан иборат) “Ўзбекистон ССР тарихи” китоби чоп этилди.

1943 йил ноябрда Тарих ва археология институти ташкил этилди. Филолог олимлар адабиёт ва тилшунослик соҳасида тадқиқотларни давом эттирдилар. СССР ФА муҳбир аъзоси Э.Бертельс бошчилигида ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси кўп томлик асарлари чоп этиш ишлари олиб борилди. Фолклоршунослик соҳасида ўзбек халқ эртаклари, дostonларининг тўлиқ вариантлари тузиб чиқилди. Профессор Э.Бертельс ва тарих фанлари доктори И.П.Петрушевский томонидан биргаликда Ўрта Осиёнинг XIX асргача бўлган шоир, ёзувчи ва давлат арбобларининг библиографик лугати тузиб чиқилди[5].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тилшунос олимларнинг изланишлари натижасида ўзбек тили тарихи масалалари (XI-XIX аср қўлёзмалари ва манбалари) ўрганилди, ҳозирги ўзбек тили грамматикаси, Ўзбекистон вилоятлари шевалари тавсифи ўрганилди, ўзбек тили этнологик лугати шакллантирилди, қорақалпоқ ва уйғур тиллари тадқиқ қилинди. Адабиётчи олимлар томонидан тайёрланган ўзбек классик асарлари (Лутфий, Бедил, Гулханий) нашр этилди.[6]

Ўша даврда Ўзбекистон илм-фанида тарихий-фалсафий муаммолар йўналишида катта изланишлар олиб борилди. Бу тадқиқотларда Ўрта Осиё халқларининг тарихий-фалсафий ва табиий-илмий мероси ўрганила бошланди. Жумладан, ўрта асрларнинг йирик алломалари – Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмийларнинг илмий мероси Т.Н.Райнова томонидан ўрганилди. Тарих, фалсафа муаммолари бўйича И.М.Мўминовнинг шу йиллардаги тадқиқотлари муҳим аҳамиятга сазовордир.

Уруш йилларида қанчалик оғир бўлса-да, археология соҳада ҳам тадқиқотлар олиб борилди. 1944-1945 йилларда Бухоро вилояти Варахша харобаларида, С.П.Толстов ва Я.Ғуломов бошчилигида 1945 йилда қайта тикланган Хоразм археологик-этнографик экспедицияси натижасида фанга қизиқарли маълумотлар олиб кирилди. Мазкур экспедициянинг 1937 йилдан бери узоқ йиллик тадқиқотлари натижасида фанга Хоразм цивилизациясининг тарихий ва археологик илдизлари олиб кирилди ҳамда Қадимги Хоразм давлатчилиги тахминан 2700 йиллик тарихга эга эканлиги исботланди.

Шу билан бир қаторда, археолог олимлар Улуғбек расадхонаси ва Улуғбекнинг шаҳар атрофидаги боғ-сарой иншоотларида, Афросиёб ва Варахша шаҳарларида қазишма ишларини олиб бордилар, Яхё Ғуломов ва Сергей Толстов бошчилигидаги Хоразмда

археологик-этнографик экспедиция ишлари қайта тикланди, Хоразм цивилизациясининг катта миқдордаги археологик ёдгорликлари очилди ва ўрганилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент шаҳри шарқшунослик соҳасида тадқиқотлар марказига айланди. Чунончи, юқори малакали шарқшунос кадрлар тайёрлаш кенгайди. ВКП(б) МҚ ва СССР Министрлар Совети қарори билан 1944 йил августда Ўрта Осиё Давлат университети Шарқ факультети фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорнинг имзоланиши мазкур фан йўналишида кадрлар сонинг ошиши ҳамда тадқиқотлар кўламига таъсир кўрсатди.

Ўша қийинчилик йилларида Ўзбекистонда Россия шарқшунослари ўзларининг илмий фаолиятлари билан шуғулланиши, жумладан, А.П.Баровков, А.М.Белинский, В.И.Беляев, В.М.Бескровный, Н.Д.Миклухо-Маклай, О.И.Смирнова, И.П.Петрушевский, К.Б.Старкова, Н.В.Пигулевский, В.В.Струве, А.С.Тверитинова, К.В.Тревер, А.Л.Троицкая, Д.И.Тихонова, А.Ю.Якубовский ва бошқалар ўзларининг тажрибалари асосида ўзбек олимлари билан ҳамкорлик қилдилар[7]. Шарқшунос олимлар ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрганишга катта эътибор бердилар. А.Расулов, В.Зоҳиджонов, Э.Муҳаммадхўжаев, А.А.Семёнов, Д.Г.Вороновский ва бошқалар қадимги қўлёзмаларни ўрганиш ва илмий изоҳлаш ишлари билан самарали шуғулландилар[8].

Тошкентда 1942 йил сентябрда Шарқшунослик институтида Эрон бўлими қайта тикланди. Бўлимда Э.Бертельс билан биргаликда, К.А.Антонов, А.В.Башкирова, А.М.Мутинова, Н.Д.Миклухо-Маклай, О.С.Смирновалар фаолият юритди. Тошкентда СССР ФА Шарқшунослик институти олимлари ташаббуси билан Туркология бўлимига асос солинди[9]. Бўлимда А.К.Баровков бошчилигида А.Н.Кананова, А.С.Тверитинова, А.Л.Троицкая, Д.И.Тихонова ва бошқалар (шунингдек, бўлимда ўзбек-аспирантларининг катта гуруҳи – А.Ғуломов, Т.Салимов, З.Мағруфов, Х.Якубов ва бошқалар изланишлар олиб борган) форсча қўлёзмаларни тадқиқ қилиш билан шуғулландилар.

МУҲОКАМА

Ўша даврда Ўзбекистонда шарқшунослик илми ривожланди, унинг ривожига 1944 йил январь ойида Халқ кутубхонаси базасида Шарқ қўлёзмалари институти муҳим рол ўйнади. Институт фаолиятини бошлаганда унинг фондида 6102 жилдлик шарқ қўлёзмалари ва тахминан 6 минг тошбосма китоблар бор эди[10]. Шарқ қўлёзмаларини илмий асосда ўрганишда институт олимлари – Д.Г.Вороневский, А.Расулов, Б.Зоҳиджонов, Э.Муҳаммадхўжаев ва ЎзССР ФА мухбир аъзоси профессор А.А.Сменев йирик ишларни амалга оширдилар.

1942 йил бошларида қамалга тушиб қолган Москвадан Тошкентга СССР ФА Этнография институти эвакуация қилинди. Бу ерда институт тезда фаолиятини бошлади ва маҳаллий олимлар билан биргаликда Тошкент этнография мактаби ўз ишини бошлади. 1942 йил бошларидан мазкур эвакуацияга учраган олимлар гуруҳи тезда илмий тадқиқот ишларини фаол тарзда бошлаб юборишди. Уларнинг асосий тадқиқот йўналиши сифатида Ўрта Осиё халқларининг этнографияси ва этник таркиби масалалари ташкил этди. 1943-1944 йилларда Тошкент этнография мактаби йирик илмий марказга айланди. Мазкур олимлар гуруҳи нафақат этнография соҳаси тадқиқотлар билан, балки фанлараро тадқиқот ишларини ҳам эълон қилишди. СССР ФА тарих ва фалсафа бўлими қошида Этногенез кенгаши фаолияти йўлга қўйилишида Тошкент этнография мактаби олимлари катта ўрин тутди. Машҳур этнограф олима А.Д.Удалцова бошчилигидаги Тошкент мактаби жаҳон халқлари харитасини тузиб чиқишди. Этнология фани олимлари ҳам бу даврда ўзбек

халқининг этногенези масалалари билан илмий ишлар олиб боришди. 1941 йилда проффесор А.Ю.Якубовский томонидан Тошкентда “Ўзбек халқининг этногенези масаласи ҳақида” рисола ёзилиб, ЎзФАН нашриётида ўзбек ва рус тилларида чоп этирилди[11]. Ушбу рисола руҳияти асосида 1942 йилда Тошкентда миллий автохтонизм концепцияси асосида Ўрта Осиё халқларининг этногенези масалалари бўйича махсус илмий сессия ўтказилди. Сессияда А.Д.Удалцовнинг “*Этногенетик тадқиқотларнинг назарий асослари*” ҳамда “*Орол этногенетик жараёнлар майдони*”, Л.В.Ошаниннинг “*Антропология маълумотлари Ўрта Осиё халқлари этногенези ҳақида*”, И.И.Умняковнинг “*Тохарлар муаммоси*”, А.Н.Бернштамнинг “*Ўрта Осиё этногенезида қадимги туркий элементлар*”, А.Ю.Якубовскийнинг “*Туркман халқининг VIII – X асрлардаги этногенези тарихидан*” мавзуларидаги маърузалари тингланди, Ўрта Осиё халқлари этногенези ва этник тарихининг асосий йўналиши ва илмий-методологик асослари белгилаб олинди[12].

1944 йил апрель ойида Тошкентда СССР ФА Этнография ва Шарқшунослик институти ташаббуси билан Ўрта Осиё этнографияси ва фолклори масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Ўрта Осиё халқларининг этнографияси, этник келиб чиқиши, фолклорчилиги бўйича тадқиқотлар тақдим этилди. С.Толстов, А.Якубовский, Греков, Струве, М.Ю.Массонларнинг Ўрта Осиё халқларининг этник келиб чиқиши, ўзбек халқининг шаклланишига доир тадқиқотлари кўпчиликнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Конференцияда таъкидланганидек, уруш йилларида Ўзбекистонда илм-фаннинг бирмунча қад ростлагани, бунда Марказдан кўчирилган илмий муассаларнинг ўрни таъкидланди.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиб ўтиш жоизки, уруш йилларида Ўзбекистонда илм-фан бирмунча ривожланди, Фанлар Академияси ташкил топди, фаннинг турли соҳалари бўйича тадқиқотлар кўлами кенгайди. Шу жумладан, ижтимоий-гуманитар фан соҳасида ўзига хос мафкуравий биқикликдан ҳоли изланишлар бошланди. Халқнинг тарихи, маданияти, этнографияси, адабиёт намуналари янгича асосда ўрганила бошланди, бу, албатта, ижобий ҳол ҳисобланади. Лекин бу жараён вақтинчалик характер касб этиб, урушдан кейин бу жараёнда янги қатағонликнинг бир кўриниши адабиёт, фан, ижод аҳлини бадном қилишни бошлади.

Адабиётлар

1. Библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. - Ташкент, 1976. Т. I. - С. 9.
2. Ахунова М.А., Лукин Б.В. История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк. – Ташкент, 1970. - С.124.
3. Оболдуева Т. Археологические наблюдения на Северном Ферганском канале // Известия Узбекстанского филиала Академии наук СССР. 1940. № 10. - С. 29-32; Жуков В.Д. Археологические объекты на трассе Южного Ферганского канала (Предварительное сообщение) // Известия Узбекстанского филиала Академии наук СССР. - Ташкент: Фан, 1940. № 10. - С.21-27.
4. Наука в Узбекистане. Том 2. Гуманитарные науки.- Ташкент, 1974. - С. 25.
5. Отчет о работе Академии наук СССР за 1944 г. М.; Л.; 1944. - С.336.
6. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Узбекистан в первый период Великой Отечественной войны (1941 ноябрь — 1942 гг.). - Ташкент: Фан, 1981. Т. I. - С.184.

7. Саидкулов Т.С. Очерки историографии и истории народов Средней Азии. Ташкент, 1992. Ч.1. С. 181-182.
8. Ахунова М.А., Лунин Б.В. История исторической науки. – Ташкент, 1970. – С.104.
9. Историография общественных наук в Узбекистане. Библиографические очерки / Сост. Б.В. Лунин. Ташкент, 1974
10. Лунин Б.В. Из истории первого высшего востоковедного учебного заведения в Средней Азии // Очерки по истории русского востоковедения. – М.: ИВЛ, 1963. Вып. VI. – С.329.
11. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1941. - С.3-19.
12. Аскаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва методологик асослари. "Ўзбекистон тарихи" журналі, №2. - Тошкент, 2002.